



ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 64 (9.561) 2001 йил 4 июнь, душанба Сотувда эркин нархда

ХХҲ саҳоси Барча маъбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлисида кичик ва ўрта бизнесни комплекс ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.
- Ўзбекистонда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб пластик карточаларга асосланган умумий банк ҳисоб-китоб тармоғи ташкил этилди.
- Қорақалпоғистон пиллакорлари шартнома бўйича 556,5 тонна ўрнига 578,8 тонна пилла топшириб, белгиланган режани ошириб адо этдилар.
- Нукусда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хориж инвестицияларини жалб этиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг навбатдаги пленумида қатор муҳим масалалар муҳокама этилди.
- Республика эпидемияга қарши фавулодда комиссиясининг йиғилишида айрим қўшни мамлакатларда куйдирги касаллигининг тарқалишини юзага келтирган эпидемик ҳолат муҳокама этилди ва инфекция тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг республикамиз ҳудудида пайдо бўлишига йўл қўймайлик учун амалга оширилиши лозим бўлган долзарб чора-тадбирлар белгилаб олинди.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.
- Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳарбий атташеси С. Петрушко пойтахт виллоятининг Янгийул туманидаги Ниёзбоз қишлоғида истиқомат қилувчи ҳамюртимиз Абдулла Қурбонова «Ватан ҳимоячиси» медалини топширди.
- Тошкент виллоятининг Қибрай шаҳарчаси, Усмон Юсупов маҳалласида истиқомат қилаётган таниқли кинорежиссёр Дамир Салимов ўзининг кутубхонасини барча ҳижозлари билан бирга маҳаллага тўхфа этди.
- Пойтахтнинг мухташам «Туркистон» саройида «Соғлом авлод гунаҳлари» иккинчи республика болалар санъати фестивали ўтказилди.

МДҲ: НАВБАТДАГИ САММИТ



Хабар қилиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Беларусь пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

«Минск миллий аэропорти»да Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни Беларусь Бош вазирининг ўринбосари М. Демчук ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари Беларусь пойтахтидаги «Фрунзе, 15» қароргоҳига жойлашди. Шу ернинг ўзиде Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашув бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида томонлар МДҲ, ГУУАМ сингари халқаро тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик ва МДҲда эркин савдо зонаси тузиш борасида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Беларусь Президентининг қароргоҳида МДҲ саммитига ташриф буюрган давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда бир кун илгари ҳукумат раҳбарлари ва ташқи ишлар вазирлари кенгашларининг мажлисларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, эришилган келишувлар ва қабул қилинган

қарорлар муҳокама қилинди. Шунингдек, давлат раҳбарлари кенгашининг 2003 йилгача жиноятчилик, террорчилик ва экстремизмнинг турли кўринишлариغا қарши биргаликда чоралар кўриш тўғрисидаги қарори, 2000 йил 1 декабрда тузилган Минск саммити қарорлари, Эркин савдо зонаси тузиш тўғрисида 1994 йилда имзоланган битим ижроси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида номи зикр этилган масалалар билан бирга, компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш, Чернобиль атом электр станциясидаги ҳалокатнинг 15 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган тадбирлар дастури муҳокама этилди.

Музокаралар нихоясида президентларнинг иккинчи жаҳон уруши бошланганига 60 йил тўлиши муносабати билан МДҲ мамлакатлари халқларига ва жаҳон ҳамжамиятига Муржоати ҳамда МДҲнинг юбилей саммитини ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар режаси қабул қилинди.

Шу билан МДҲнинг навбатдаги саммити нихоясига етди.

СУРАТДА: мажлис пайтида. Муҳаммад Амин, Фарҳод Қурбонбоев (ЎЗА) олган сурат.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунини Янгиликлар, воқеалар

- ЭРТАГА шаҳримизда халқаро ЭКОСАН жамғармаси ташаббуси билан Жаҳон атраф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган экофестиваль ўтказилди.
- ЮРТИМИЗДА илм-фан соҳасида тадқиқот ва изланиш олиб бораётган 50 нафар ёш олимга Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан грант топширилган. Эндиликда бу олимлар Германияга сафар қилиб илмий соҳада немис олимлари билан тажриба алмашиб келиш имкониятига эга бўлишди.
- КЕЧА Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, «Буюк авлод» болалар жамғармаси Успенский номидаги РҮМММИ ҳамда «Фестиваль» Интерклуби ҳамкорлигида мамлакатимиз муштақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Бизнинг келажак» номли болалар ижодий фестивалини ўтказди.
- ТОШКЕНТДА гематофилия касаллигига чалинган нигирон болалар жамияти ташкил этилди.
- ИММОМ ал-Бухорий халқаро жамғармасида ўтказилган илмий-амалий анжуман буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолиятига бағишланди.
- ТОШКЕНТ гематология илмий текшириш институтида маъруза илм масканининг 600 нафар ходимлари иштирокида гематологик беморларга ёрдам бериш акцияси ўтказилди.
- ЯКИНДА шаҳримизда Швеция қироллигининг фахрий консулхонаси иш бошлагани муносабати билан Зо-битлар уйда Швеция киноси кунлари бўлиб ўтди. Унда Швеция киноусталари яратган 5 та фильм намойиш этилди.
- ЮНУСОБОД туманида «Олтин ҳумо» деб номланган болалар ижодий фестивали ўтказилди.
- ТОШКЕНТ шаҳар «Маҳалла» жамғармасида болалар ва ўсмирлар ўртасида давом эттирилаётган «Футболимиз келажак» футбол турнирини ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- ЧИЛОНЗОР туманидаги 4-болалар бочаси тарбияланувчилари ўртасида спорт мусобақалари бўлиб, голибларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

САНОАТ

«Юлдуз» тажрибаси мисолида

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатни тўри ташкил этишнинг муҳим техник негизини юзага келтириш бўйича олиб борилаётган илмий қурашувлар ижобий натижаларини бермоқда. Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти олимларининг Тошкентдаги «Юлдуз» тивуччилик ҳисдорлик жамияти мисолида амалга оширган тадқиқотлари ҳам самарали бўлди.

Корхонада меҳнат сарфини камайтириш имкониятлари илмий асосда кўрсатиб берилди. Муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бу ишланма энг яхши тажриба намунаси ҳамда тавсия сифатида бошқа тивуччилик корхоналарига ҳам тақдим этилди.

Анвар АКБАРОВ

МАҲАЛЛАНГ — ОТАНГ-ОНАНГ

Муносиб оқсоқол сайланди

ҳудудидаги боғ, маҳалла маркази тўла таъмирланди. «Қайнона-келин муаммоси», «Бола тарбиясида оналарнинг роли», «Тўй-маросимларни ташкил қилишда хотин-қизлар кенгашларининг вазифалари», «Гийевандликка қарши кураш» мавзуларида сўхбатлар, олимлар билан учрашувлар мунтазам равишда ташкил қилинди. Маҳалладаги кўпчилик ёшлар иш билан таъминланди. Уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик, кам таъминланган, муҳтож оилаларга маҳалла кучи билан кўмак кўрсатишга катта аҳамият қаратилди. Ҳозирда эса турли ижтимоий -маиший хизматлар ўрин оладиган маҳалла гузарни лойihalаниб, қурилиш ишлари бошланиш арафасида.

Савол-жавоб ва муҳокама-лардан сўнг оқсоқол ҳисоботи қоникорли деб топилди ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Аҳоли билан бамааслахат иш олиб бораётган, маҳалла ободончилиги учун жон қўйдириб фаолият юритаётган Ортек Абдувалиевни маҳалла ахли бир овоздан кейинги мuddатта фуқаролар йиғини раиси этиб сайлади. Сўнг 15 кишидан иборат маслаҳатчилар таркиби ҳам сайланди. Улар орасида айниқса аёлларга кенг ўрин берилганлиги эътиборга лойиқдир. Хотин-қизлар комиссиясининг раиси Барноҳон Акбарова эндиликда фуқаролар йиғинининг раиси ўринбосари сифатида ҳам кенг қўламадаги фаолиятни олиб боради.

Даврон ИСМАТОВ

ТЕННИС

Ҳамшаҳарларимиз ярим финалда

1-3 июнь кунлари шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортларида илк бор ўтказилаётган Ўзбекистон Кубоги доирасида Тошкент шаҳри ва Сирдарё виллоят теннисчилари ўртасида жамоавий баҳс бўлиб ўтди.

Дэвис Кубоги мусобақаларига мос равишда ташкил этилган турнир баҳсларида Алексей Елхин сардорлиги остида шаҳримиз жамоаси таркибида асосан ёш, умидли теннисчилар майдонга тушишди.

Хусусан, биринчи кун ҳамшаҳримиз Денис Курматов рақиби Сарвар Алимовни икки сетда 6/1, 6/0 ҳисобида мағлуб этди.

Шанба кунини жуфтликлар баҳсида Де-

нис Салимасов — Сарвар Икромов (Тошкент) — Лукманов ва Алимовларни 6/1, 6/1 ҳисобида енгилди.

КЕЧА

икки охириги учрашув ўтказилди. Дастлаб Курматов Лукмановни 6/2, 6/0 ҳисобида, сўнг эса Икромов Алимовни 6/0, 6/0 ҳисобида енгиб, шаҳримиз терма жамоасининг 5:0 умумий ҳисобдаги галабасини таъминлашди.

Ярим финалда шаҳримиз спортчилари — Қашқадарё — Андижон жуфтлигининг голиби билан 10-12 август кунлари Беллашадилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Болаларнинг ёзги дам олишига бағишланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида барча мугасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда болаларнинг ёзги дам олиши билан боғлиқ долзарб масала хусусида сўз борди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнарзоров олиб борди.

Тошкент шаҳар Касаба уюмлари Кенгаши раисининг ўринбосари Фозил Рўзиевнинг йиғилганлар эътиборини пойтахт корхоналари тасарруфидаги болалар оромгоҳларида ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай олиб борилаётганига қаратди. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Намоз Рўзиқулов пойтахтдаги мактаблар қошидаги оромгоҳлар фаолиятига

тўхталди. Ёзги мавсумда 25 та умумтаълим мактаблари қошида оромгоҳлар очилади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар тахт қилиб қўйилди. 317 та мактаб қошида ташкил этилаётган уйин ва дам олиш майдончаларида эса шаҳарда қолган болалар ҳордиқ чиқариб, спорт билан шуғулланишди. Мирзо Улуғбек, Бобур, «Боғи Эрам» ва А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ҳар ойда икки мартадан болалар учун турли оммавий тадбирлар ўтказилади.

Йиғилишда катнашган Бўстонлик тумани ҳокимининг ўринбосари Х. Мирзамуродов ушбу ҳудуддаги ёзги оромгоҳларнинг тайёргарлиги тўғрисида ахборот берди.

ҲАМКОРЛИК

Халқаро лойиҳа доирасида

Тошкент автомобиль йўллари институти олимларининг немис мутахассислари билан илмий-техник ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Ўзбекистон ва Германия ўртасида молиявий ва техник алоқа бўйича тузилган «Халқаро логистика маркази» лойиҳасини рўйбга чиқаришга ҳам киришилди.

Мазкур халқаро нуфузли лойиҳа доирасида қурилаётган техник тадбирлар ҳам ўзининг дастлабки ижобий натижаларини берди. Натижада институтда транспорт логистикаси бўйича ҳудудий ўқув марказини очиш учун муҳим ҳужжат юзага келди.

Мазкур истиқболли лойиҳа немис мутахассисларига таништириш учун Германияга юборилди.

Азиз АЪЛОВ

АНЖУМАНЛАР


Билим ва тафаккур кўриги

Абу Райҳон Бериунин номидаги Тошкент Давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан магистрларнинг республика миқёсидаги анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда республикамиз олий ўқув юртиларининг 240 дан ортиқ магистрлари электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, энергетика, машинасозлик, қончилик ва геология, нефть ва газ ҳамда иқтисодиёт йўналишлари бўйича ўзлари олиб бораётган илмий-амалий ишлари натижалари юзасидан маърузалар қилдилар ва фикр алмашдилар. Бу маърузаларнинг қисқача баёни 3 қисмлиқ тўпламда нашр этилган бўлиб, у анжуман қатнашчиларининг ишини янада самарали қилди.

Яқунловчи мажлисла маърузасининг илмий-амалий жиҳатлари, долзарблилиги билан маъқул топилган 6 нафар магистр қимматбахо мукофот ва 12 нафари эса университетнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Кичик Ҳалқа йўлидаги кўприклар

Шахримизда тўққиз туманни қамраб олган, узунлиги 32 километри ташкил этувчи Кичик Ҳалқа йўли қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айниқса, ушбу Кичик Ҳалқа йўлини бирлаштирувчи учта автомобиль ҳамда иккита темирйўл кўприкларини тез ва соз бунёд этиш ишларида кўприксозлар алоҳида ғайрат кўрсатишмоқда.

Ана шундай автомобиль кўприкларидан бири пойтахтимизнинг Буюк Ипак йўли кўчасида қад ростламоқда. Уни бунёд этишда бош пудратчи 13-кўприк қурилиш отрядининг 50 нафардан зиёд қурувчиси туну кун меҳнат қилишмоқда. Қурилиш ашёларининг ўз вақтида келтирилишига эътибор, улардан оқилона фойдаланиш, замонавий техникаларни унумли қўллаш, вақтдан, имкониятдан яхши фойдаланиш натижасида қурилиш-тиклаш ишлари ушқоқликда олиб борилмоқда. Бош пудратчиларга 67-кўприк қурилиш отряди ҳамда «Осиё-кўприк» фирмасининг бунёдкорлари ҳам яқиндан ердан бермоқда.

Ушбу кўприкда ҳар икки тарафга учтадан автомобиль йўлакларини мавжуд бўлади ва бу транспорт воситалари учун қўлайлик яратилади.

— Кўприкқурилиш отрядимизда 415 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди раҳбар Дониёр Болусов, — ана шуларнинг 300 нафари бугунги кунда Кичик Ҳалқа

йўлидаги кўприклар қурилишида фаоллик кўрсатишмоқда. Шахримизнинг Эргашев, Буюк Ипак йўли, Мусахонов ҳамда Паркент кўчаларида бунёд этилаётган автомобиль ҳамда темирйўл кўприкларини қурилишида иштирок этаёلمиз. Айниқса, бу борада Зокир Темирхўжаев, Рашид Муродов, Владимир Пронкин, Рустам Норбоев, Николай Никифоров сингари кўприксозларнинг ғайрат-шижоатини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг муҳими, амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимиз ҳалқимиз фаровонлигига, Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, шахримиз чиройини оширишга хизмат қилишидан бениҳоя фахрланиб меҳнат қилаёмиз.

Қурувчиларнинг бугунги ҳаракати, ғайрат ва шижоатидан шу нарса яқоқ сезилмоқдаки, улар, албатта ўз мақсадларини амалга оширадиган ва энг улғу, азиз байрамимиз — Истиқлол кунини меҳнат ютуқлари билан қутиб олишади.

Дилноза ҒИЕСОВА

СУРАТЛАРДА: 67-кўприк-қурилиш отряди илғорлари (чапдан) — кранчи Рустам Норбоев, тикловчи-пайвандчи Шомил Латипов, биригадир Шавкат Шарифбоевлар; 13-кўприк-қурилиш отряди кўприксозлари (чапдан) Андрей Рудаков, Артём Пронкин, Николай Никифоров ҳамда иш юритувчи Владимир Пронкинлар; қурилиш майдонида (юқоридаги сурат).

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Боғда ўтган фестивалъ

Илгари хабар қилганимиздек, пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган «Боги Эрам» истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигини байрам қилишга тайёрлик ва Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўни муносабати билан «Биз сенинг содиқ фарзандларимиз, Ўзбекистон!» фестивали бўлиб ўтди.

Шу кўни эрталабданқо доира садолари бу ерга келаётган бахтиёр фарзандларимизни истироҳат боғи кўноғига чорлади. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фаридат Абдурахимова фарзандларимизни қўллашиб, болалар бизнинг улғу бахтимиз ва кўноғимиз эканлигини таъкидладилар. Мамлакатимиз уларнинг саломатлиги, тақдирини қандай кечини тўғрисида, фарзандларимизнинг келажақда қандай инсонлар бўлиб камолга

етишиши тўғрисида беқиёс ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Ана шу боисдан болаларимизнинг соғлом ва бахтли бўлишлари йўлида барча саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бугунги таътилар бошланишига тўғри келган ва республикамиз мустақиллиги байрамига тайёргарлик кетаётган давлардаги байрам юқорида таъкидлаб ўтилган ғамхўрлик, Президентимиз ва



давлатимиз томонидан ўсиб келаётган авлодга эътибор ва муҳаббатнинг ўзига хос ёрдам бир тимсолидир. Маълумки, жорий йил Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан махсус давлат дастури қабул қилинди. Байрам кўни ўтказилган барча тадбирлар болалар қалбига бир олам кўноғини олиб кириши билан ажралиб турди.

Болалар шу кўни «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ўзбекистон қўшиқ

Унда қатнашганлар махсус совринларга ҳам эга бўлдилар. Боғда таърихий ва амалий санъат, каштачилик бўйича болалар яратган махсулотлар кўз-кўз қилинди. Шерьятга қизиқувчи ёш илҳосмандларни эса адабиёт шўбасининг ишлари ўзига жалб этди. Бу ерда улар таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашдилар, ўзларининг Ватанга, суюкли мураббийларига, табиатга бағишланган шеърларини ўқиб бердилар.

Истироҳат боғидаги аттракционлар ҳам болалар қалбига бир олам кўноғини олиб кирди. «Боги Эрам» маъмурияти минг нафар боланинг бепул аттракционлардан фойдаланишларини таъминлади. «Кока-Кола» компанияси эса бепул минг шиша ўзининг чанқовбосди ичимликларини болаларга ҳада этди. Бир сўз билан айтганда кўн бўйи боғда болаларнинг шодон кулгулари янгради.

Боққа шу кўни ташриф буюрган ёш авлоднинг қўриб улар учун ана шундай ажойиб байрамни уюштирган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш

Бокка шу кўни ташриф буюрган ёш авлоднинг қўриб улар учун ана шундай ажойиб байрамни уюштирган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш

байрами» танловлари ғолибларининг чиқишларини томоша қилдилар. Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Юнусобод туманларининг ёш санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Кейин байрам қатнашчилари Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан ташкил этилган «Экофестиваль — 2001» тадбирларида қатнашишга ошиқдилар.

«Ўз муҳбиримиз» СУРАТЛАРДА: «Боги Эрам» истироҳат боғида ўтказилган марокли фестивалдан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

Унда қатнашганлар махсус совринларга ҳам эга бўлдилар. Боғда таърихий ва амалий санъат, каштачилик бўйича болалар яратган махсулотлар кўз-кўз қилинди. Шерьятга қизиқувчи ёш илҳосмандларни эса адабиёт шўбасининг ишлари ўзига жалб этди. Бу ерда улар таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашдилар, ўзларининг Ватанга, суюкли мураббийларига, табиатга бағишланган шеърларини ўқиб бердилар.

Истироҳат боғидаги аттракционлар ҳам болалар қалбига бир олам кўноғини олиб кирди. «Боги Эрам» маъмурияти минг нафар боланинг бепул аттракционлардан фойдаланишларини таъминлади. «Кока-Кола» компанияси эса бепул минг шиша ўзининг чанқовбосди ичимликларини болаларга ҳада этди. Бир сўз билан айтганда кўн бўйи боғда болаларнинг шодон кулгулари янгради.

Боққа шу кўни ташриф буюрган ёш авлоднинг қўриб улар учун ана шундай ажойиб байрамни уюштирган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш

байрами» танловлари ғолибларининг чиқишларини томоша қилдилар. Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Юнусобод туманларининг ёш санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Кейин байрам қатнашчилари Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан ташкил этилган «Экофестиваль — 2001» тадбирларида қатнашишга ошиқдилар.

«Ўз муҳбиримиз» СУРАТЛАРДА: «Боги Эрам» истироҳат боғида ўтказилган марокли фестивалдан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

Унда қатнашганлар махсус совринларга ҳам эга бўлдилар. Боғда таърихий ва амалий санъат, каштачилик бўйича болалар яратган махсулотлар кўз-кўз қилинди. Шерьятга қизиқувчи ёш илҳосмандларни эса адабиёт шўбасининг ишлари ўзига жалб этди. Бу ерда улар таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашдилар, ўзларининг Ватанга, суюкли мураббийларига, табиатга бағишланган шеърларини ўқиб бердилар.

Меҳнат аҳли манфаати йўлида

Меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилиш касабаси уюшмалари фаолиятининг асоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Давлат идоралари, Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, шаҳар статистика ахборот бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз бу борада юксак таъсирчанликка эришишимизни кафолатлаштиради. Шунингдек, тармоқ касабаси уюшмалари кўмиталарининг ижтимоий ҳимоя бўйича масъул ходимлари билан ҳар ойда семинар-йиғилишлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Натижада, шаҳар статистика-ахборот бошқармаси рўйхатидан ўтган қўшма корхоналар, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида касабаси уюшмаларини ташкил қилиш ишлари тартибга келтирилди ва улар ишини тақомиллаштириш бўйича самарали ишлар олиб борилапти.

Муҳим ижтимоий ҳимоя ишларимиздан бири — иш ҳақидан қарздорликни ўрганиш, уларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш масалалари ҳам тартибга келтирилди. Иш ҳақидан қарздорлик ойма-ой назорат қилиб борилмоқда.

2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури тадбирларига асосланиб, тармоқларга қарашли барча корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларига киритишлари учун, аёллар ва ёшларга, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, оиласида ногирон болалари бор бўлган аёлларга қўшимча имтиёзлар ва қўлай иш шартноларини яратиш йўлида тақлифлар, керакли кўрсатмалар берилди ва улар бажарилишининг бориши назорат қилинди. Ҳар чоракда ушбу тадбирларнинг бажарилиши таҳлил этилиб, умумлаштирилади.

Ўтган давр мобайнида «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилиши борасида Олий Мажлис депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда шаҳардаги енгил саноат корхоналарида Меҳнат кодексининг хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва ногиронлар учун белгиланган имтиёзларга доир қисми ижро этилишини, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Ҳамза тумани хотин-қизлар кўмитасининг корхона ва ташкилотларда аёллар меҳнати ижтимоий муҳофазасини таъминлашни қўриб чиқилди ва натижалари бўйича тақлифлар берилди.

Ўтган давр мобайнида бўлимимиз томонидан барча тармоқларга қарашли бошланғич ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг тузилиши ва уларнинг бажарилишининг бориши ўрганиб чиқилиб таҳлил қилинганда, кўпгина корхона ва ташкилотларда бундай жамоа шартномаларининг сифати пастлиги ва бажарилишининг назорати йўқлиги маълум бўлди.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, 2001 йилдан бошлаб ҳар бир тармоқда масъул ходимлар томонидан ҳар бир жамоа шартномаларининг экспертиза қилиниши ва рўйхатга олиниши йўлга қўйилди. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳамма тармоқларда бошланғич ташкилотлар раислари билан биргаликда жамоа шартномаларини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, экспертиза ишларини тўғри олиб бориш мавзуларида семинар-ўқишлар ўтказилиб, керакли амалий қўлланмалар ва кўрсатмалар берилди.

2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Она ва бола» давлат дастурига асосланиб, Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан унинг бажарилиши борасида тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда меҳнатқашлар ва шаҳар аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилишда олдимизда турган бир қатор муаммолар бўйича Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси билан биргаликда алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бунда — меҳнат қўноқчилиги ва меҳнат муҳофазаси талаблари — иш ҳақидан қарздорликни камайтириш; санация қилинган, қайта тикланган ва банкрот деб эълон қилинган корхоналар ходимларининг қўноқчиликлда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа бир қатор масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бориш кўзда тутилмоқда.

Бахтиёр ҲАМИДОВ,

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.

Хайрли иш — марокли юмуш

Халқимизга хос бўлган меҳр-саховат, савобли ишларни амалга ошириш Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма кўмитасининг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Яқинда тармоқ ходимлари касабаси уюшмалари шаҳар кўмитаси кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 31 нафар фарзандига 310000

сўмлик мактаб ўқув қуролларини совға қилди. Шунингдек, Чилонзор туманида жойлашган 4-мактаб-интернатни оталиққа олган тармоқ ходимлари касабаси уюшма шаҳар кўмитаси ўзининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, мактаб-интернат ўқувчиларига 59000 сўмлик спорт жиҳозларини ҳада этди.

Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма Тошкент шаҳар кўмитасида меҳнат аҳли ҳамда уларнинг фарзандлари марокли дам олишларига катта аҳамият берилди.

Чунончи, жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган бой тарихий меросимизни ўрганиш мақсадида қадимий ва навқирон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига оилавий сайёҳлик сафарлари уюштирилиб, тармоқ ходимлари ҳамда уларнинг фарзандлари бир олам унутилмас таассурот билан қайтмоқдалар. Яқинда тармоқ ходимлари касабаси уюшма шаҳар кўмитасининг сайёҳаракати

меҳр-муҳаббатини қозongan буюк инсон ва улғу аллома Имом Исмоил аф Бухорий мажмуасини зиёрат қилдилар. Сўнгра Х асрнинг бетакрор, гўзал меъморчилик ёдгорлиги — Сомонийлар макбараси зиёрат қилинди. Сомонийлар сулоласи даврида илм-фан, маданият, меъморчилик қандай юксак даражада тараққий этганлигини намойиш этувчи, жаҳонга маш-

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

билан 140 нафар она ва бола юмшоқ уринини қўлай 4 та «Икарус» автобусларида йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати ходимлари қузатувида Самарқанд ва Бухорога сайру саёҳат қилдилар. Сайёҳатчилар дастлаб, улғу бобокалонимиз Гўри Амир макбарасига қадам ранжиди қилиб, Сохиқирон Амир Темур, унинг устози ҳазрат Мир Саид Барақа ва у ерга дафн қилинган теурийларнинг қабрларини зиёрат қилдилар.

«Шохи Зинда» макбараси Марказий Осиёдагина эмас, бугун жаҳонга ўзининг бетакрор меъморий улғуворлиги, гўзаллиги, тарихий обиди сифатидаги аҳамияти билан машҳур бўлиб, ривоятлар ва афсоналарга бой бўлган бу архитектура ансамбли барчани хайратга солади. Саёҳатчилар ҳадис илми соҳасида беқиёс ютуқларга эришиб, жаҳон аҳлининг чуқур ҳурмати,

хур бўлган Сомонийлар макбараси замоналар ўтсада, жо-зибадорлиги, беназир гўзаллиги, етти хил рангдаги жиллонлиши, қўллаб ривоятлари билан барчада чуқур таассурот қолдирди. Шунингдек, Бухоро амирларининг қароргоҳи бўлган кўна «Арк», Мирараб мадрасаси, «Минораи Калон» каби машҳур тарихий обидалар билан танишиб чиқилди.

Саёҳатимиз якунида жаҳон ислом аҳли учун муқаддас қадамжойлардан ҳисобланган Баҳоуддин Наҳшбандий мажмуаси зиёрат қилинди. Донишманд бобокалонимиз ҳақидаги ривоятлар, Баҳоуддин кудуги сувининг хуш-таъмили ҳаммани лол қолдирди.

Ортик САИДОВ, Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма шаҳар кўмитаси ташкилий ишлар бўлимининг мудири.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИДАН

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

Спорт — кишилар соғлиғини мустаҳкамлаш, меҳнат аҳли ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳими — фақат юксак рекордларгина эмас, спортнинг оммавийлиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб, ҳар томонлама камол топишидаги ўрни каттадир.

Шаҳар Касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти томонидан Наврўз ва Мустақиллик умумхалқ байрамларига бағишлаб кенг қамровли спорт тадбирларини ўтказиш ажойиб анъанага айланган. Йиллик режага бинаоан якунида олимпия ўринбосарлари болалар спорт мактаби бўйича «Спартак» бокс залида 150 нафар ёш чарм қўлқоп усталари рингга чиқиб, 32 нафари ғолиблар ва совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашди ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

Ушбу мактабнинг ёш полволлари юнон-рум кураши бўйича Тошкент транспорт ва темир йўл институтининг спорт залида гилгама тушилар, 205 нафар ёш спортчи ўртасидаги беллашуларда 28 нафар полвол хурмат шоҳсупасига кўтарилди. Сўнгра «Олимпия» спорт клубининг «Олимпия» спорт залида ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича очик биринчилик ўтказилиб, 92 нафар курашчи иштирок этди ва 11 нафар ғолиб қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Олимпия ўринбосарлари республика ўқув марказининг гимнастика залида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган очик биринчиликда 35 нафар спортчи қатнашиб, зафар қозongan 8 нафар ёш гимнастикачи қимматбаҳо совғалар топширилди. «Экспресс» залида бадий гимнастика бўйича қизлар ўртасида очик биринчилик бўлиб, 40 нафар спортчи иштирок этган ушбу мусобақада 10 нафар ғолиб аниқланди.

«Динамо» стадионинда енгил атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида 164 нафар спортчи иштирокида

очик биринчилик ўтказилиб, 20 нафари ғолиб хурмат шоҳсупасига кўтарилди. Стол тенниси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида 48 нафар спортчи иштирокида болалар, ўсмирлар марказлашган спорт мактабининг очик биринчилиги, қайсида эшак эшиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида 35 нафар спортчи иштирокида болалар, ўсмирлар спорт мактабининг очик биринчилиги Уғом дарёсида ўтказилди.

«Спартак» кортида теннис бўйича 64 нафар спортчи иштирокида болалар-ўсмирлар спорт мактабининг очик биринчилиги ҳам бўлиб ўтди. Машҳур спортчи Равля Салимованинг номи кўпчиликка яхши таниш. Жонқуяр мураббий, камтарин инсон хоризда бой билми, таҳрибисини ёшларга бағишлаб сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Шунингдек, волейбол, қўл тўпи бўйича, баскетбол бўйича шундай мусобақалар уюштирилди.

Шундай қилиб, касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти шаҳар Кенгаши бўйича спортнинг 13 тури бўйича мусобақалар ўтказилди. «Наврўз» байрамига бағишланган очик биринчиликларда 1251 нафар спортчи иштирок этиб, ўз иқтидорини намойиш этди. Кези келганда айтиш кераки, ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишда, ажойиб спортчиларни етиштиришда, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, спортнинг тарбиявий аҳамиятини кучайтиришда касабаси уюшмаларининг ҳиссаси борлиги барчамизни қувонтириб, янги муваффақиятлар сари руҳлантиради.

Саидмахмуд ЯҲЁЕВ, Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари, котибият мудири.

Материалларни Улғубек ПўЛАТОВ тайёрлади.

Марҳабо, Миср!

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўнганид доно бўлар...

КИШИНИНГ ҲАЁТИ ФАРЗАНД БИЛАНДИР...

Ҳикматларда: «Хар бир дарахнинг меvasи бор, кўнгилнинг меvasи фарзанддир» дейилади.

Бола борки, ёруғ хамиша шоминг, Бола борки, шаҳам элда хироминг.

Бола борки, ҳаёт лаззатли, тотли, Бола борки, ўчмас эл ичра номинг.

«Шуни чуқур англамоқ керакки, — деб ёзади Бархурдор ибн Махмуд «Махфилоро» асарида, — ота учун фарзанддан кўра яқинроқ кимса йўқ ва отанинг фарзандга бўлган муҳаббатининг юксаклигини тил баён қилишга ожиз».

Ақлим теранлиги отам сўзидан, Қалбим равшанлиги отам кўзидан.

Шунчалар улғайиб, ўсганим бари, Отам меҳнатидан, ризки рўзидан.

«Ақлли фарзанд, — деб ёзади Мустафо Хомий-поширо, — бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини ёддан чиқармайди».

Боланинг бахтига йўрғак ким? — Она! Йўқилса қаддига тирғак ким? — Она!

Тунлари бошида мижга қоқмайин, Қилт этса пойлаган серғак ким? — Она!

Демак, ота-онани бор фарзандлар энг бахтли фарзандлардир.

Дунёда бахтининг доим ёрлиги, Уйимда отаю онам борлиги.

Отаю онани хор қилганларнинг, Ҳамиша, ҳар нафас ортар хорлиги.

Фарзанди бор хонадон шодлик тўла гулистондир.

Боласи бор уйнинг боли бўлади, Уйи гам-қайғудан холи бўлади.

Отаю онани хор қилганларнинг Оқибат аянчили холи бўлади.

Ота-она болага аввало чиройли исм қўйиши, илм нури билан қалбини мунаввар қилиши керак.

Болага ном қўйсанг чиройлигин қўй, Чиройда ё кўёш, ё ойлигин қўй.

Сўнг болам адашмай швасин десанг, Оннга маънавий рух бойлигин қўй.

Фарзандга доимо ширин гапларни қапириш, тарбиясига катта аҳамият бериш, унинг қалбига меҳр уруғини экиш керак.

Болага қулиб бок, қулиб боқадим, Кўзалари меҳрга тўлиб боқадим.

Қичқирсанг, бақирсанг юраги қотиб, Меҳру муҳаббатга ўлиб боқадим.

Болага тинимсиз қўлол муомалада бўлиш унинг ҳам қўлол бўлиб ўсишига сабаб бўлади.

Болага бақирма безлашиб кетар, Қўлоллик танига ўзлашиб кетар.

Бўлоқда селга бок, момақалдирок Ўқирса суръати тезлашиб кетар.

Бола ҳам отага меҳру муҳаббат билан қарасагина, отанинг меҳрини қозониши мўмкин, йўқса, фарзанддан отанинг ихлоси қайтиши, меҳри нуксонга йўл тутиши мўмкин.

Отамга айтгандим меҳр сўзини, Табассум қоплади дарҳол юзини.

Деда: — Нима қилса бола отага, Боласидан топар шунинг ўзини.

Ота-она фарзандининг ҳолидан хабардор бўлиши, қаерларда юрганни билиши, ноҳўя хатти-ҳаракатларидан омон сақлаши лозим.

Хар бола ёшлиқда осон бузилар, Гоҳ очик, гоҳида пинхон бузилар.

Чекишу ичишдан ошқозон хароб, Мўри қурум бўлса қозон бузилар.

Бир куни битта бўлимда ишлаётган бефарзанд аёл ишга кечикиб келди. Кайфияти ҳам ёмон эди. Нима воқеа бўлганини сўрадим.

— Уйимизга акам ва опамлар меҳмон бўлиб келишди, — деди у шикоятомуз, — болаларининг шўхлигини айтаётганим! Уйку бурчоқлади. Асабим роса бузилди. Бақирсанг ҳам қулоқ солишмайди.

— Ота-онангиз ҳам хафа бўлдиларми? — деб сўрадим.

— Қаёқда дейсиз, — деди у, — ота-онам жуда хурсанд, болаларнинг бақириб-чақиришлари парволарига ҳам келмайди. Болалар отамнинг бошига чиқиб олсалар ҳам қулиб, улар билан ўйнаб ётибдилар. Онам эса уларни бағрига олиб, бошларини силайдилар. Фақат менгагина ёқмади.

Аёлнинг гапларига бепарво қулоқ солар эканман, қалбим ўйнаётган киши бўлиб, олдимда турган қозғозга қуйидаги тўртликни ёздам ва унинг олдида суриб қўйдим.

Боласи бор уйда бозор бўлади, Кимга роҳат, кимга озор бўлади.

Юраги торларга қиймат бўлиб, Юраги кенларга гулзор бўлади.

Аёл тўртликни ўқиб, кип-қизариб кетди. Уялганидан ҳеч нарса деёлмай, аста турди-да хонадан чиқиб кетди.

Кишининг ҳаёти фарзанд биландир, Қанд ила новвати фарзанд биландир.

Улимдан кейину тирикликдаги, Боқий қолар оти фарзанд биландир.

Махмуд ХАСАНИЙ

Азиз ўқувчилар! Элчиномизнинг Матбуот шўъбаси уюштирган... Фан ва техниканинг ривожланишига эришишда бизнинг аҳолининг ҳаёти юқсалишига эришишда...



Мамдух ШАВКИЙ, Миср Араб Республикасининг Фавқуллода ва Мухтор элчиси.


Азиз биродарлар! Қардош юртингиз ва биродар халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида ўтказиб келинаётган мана шундай мусобақалар боис мана тўрт йилдирки, Сизлар билан учрашиб келишимиз. Очғинини айтганда вақт зикриги учун бу йил мусобақа ўтказмоқчи эмас эдик, лекин мусобақамизнинг ўтган йиллардаги довури ва улкан муваффақияти, қолаверса Сиз азиялардан келатган улғусиз хатлар, кетма-кет бўлаётган телефон кўнгираклари фикримизни ўзгариштирди, мусобақанимизни барибир ўтказишга сабаб бўлди.



Раъфат АС-САББА, Миср элчиномизнинг Матбуот шўъбаси раиси, маслаҳатчиси.

АРАБ-ЎЗБЕК АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Араб-ўзбек алоқалари эрамининг VII асрида ўрта Осиё Умвайилар халифалиги таркибига киритилган даврга бориб тақалади. Унинг ибтидоиси 633 йилда араб-муслмон қўшинларининг Шарққа томон юришидан бошланган эди. Улар тўрт йил ичида Сосонийлар империясини мағлубиятга учратди, сўнгра Амударё ва Сирдарё ораллиги — Моавроуннаҳрда жойлашган мамлакатларга Шарққа томон ҳаракатини давом эттирди. 674 йилда Убайдуллоҳ Зийед бошчилигидаги қўшин ўрта Осиёни ишғол қилди. 705 йилда Кутайба ибн Муслим Ал-Бахрий Хуросон валиийси этиб ташинди. Мазкур воқеани ўрта Осиёда, араб-муслмонлар мақомидаги ҳақиқий мустақамлаштиришнинг бошланиши деб баҳолаш мўмкин.



юнон олимлари асарларини ўрганишга, хитойликлар ихтиролари билан танишишга мўъсас бўлиди. Бошқа томондан, ўрта Осиё халқлари, уларнинг энг илғори бўлган ўзбек халқи араб-муслмон маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Улар дунёга фалакийёт олими Аҳмад ал-Фарғоний (850 йилда вафот этган), математик Муҳаммад ибн Муса ал-Фарғоний (783-850), файласуф Абу Наср ал-Фаробий (873-950), буюк табиб Абу Али ибн Сино (980-1037), қомусий олимлар Абу Райҳон Беруний (973-1048), Фахриддин ар-Розий, тилшунос аз-Замашхурий (1075-1144) каби инсоният маданияти ривожига беназир ҳисса қўшган алоқаларни бердилар. Ўзбек халқининг араб-муслмон маданиятини бойитиши жараёни асрлар оша давом этиб, ҳозиргача ўзининг ижобий таъсири кўрсатиб келмоқда.

ЎЗБЕКISTON ВА МИСР МУНОСАБАТЛАРИ

Миср Араб Республикаси ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 24 декабрда эътироф этди. 1992 йилинги январда Миср Араб Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг раиси Ўринбосари, доктор Камол ал-Ганзурий бошчилигидаги расмий делегация Тошкентга ташриф буюрди. Ташрифт давомидо икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ҳақида қўшма баёнот имзоланди. 1993 йил май ойида Тошкентда Миср Араб Республикасининг элчиномиз очилди. Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги элчиномизи эса 1995 йил октябрда, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Қомилонинг Қоҳирага қилган ташрифи давомидо очилди.

1992 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримов Миср Араб Республикасига расмий ташрифт буюрди. Ташрифт давомидо Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ҳамкорлик асослари, сармомларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иқтисодий, техникавий ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, ҳаво йўли ва транспортда юк ташини ҳақида битимлар имзоланди. Ўзбекистон — Миср алоқаларини ривожлантириш учун зарур қонуний асосни вуқудга келтирган бу ва бошқа ҳужжатлар икки томонлама алоқалар барча жаҳаларда, аиникса таълим-тарбия, маданият ва оммавий ахборот воситалари сингари соҳаларда муваффақиятли юксалиб боришига ҳизмат қилмоқда.

БИРИНЧИ САВОЛ-ЖАВОБ ВАРАҚАСИ

Иштирокчининг исми-шарифи, ёши, касб-қори ва манзили: 1-савол. Ислам оламидо Пайгамбаримиз (САВ)нинг ҳадиси шарифларини тўлғадан энг машҳур муҳаддис а) Абу Бакр ас-Сиддиқ б) Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий в) Абу ал-Лайс ас-Самарқандий 2-савол. Миср ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган вақт: а) 1993 йил май ойи б) 1991 йил декабрь ойи в) 1992 йил январь ойи

Эслатма: Савол-жавоб варақаси қирқиб олиниб тўғри жавоблар белгилаган мусобақанинг якунигача йўлги бўлилади. Улар бешта бўлган, барчаси бир йўла Миср элчиномизнинг МАТБУОТ ШУЪБАСИ жойлашган Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-бино, 601-604-хоналарга жўнатилади.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Хамюртларимизга ишонч Жанубий Корея ва Японияда 2002 йилда футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати финалига йўланма олиш мақсадида Осиё минтақаси айрим гуруҳларидаги терма жамоалар саралаш мусобақалари биринчи босқич учрашувлари ниҳоясига етди.

Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган 8-гуруҳдаги Хиндистон — Бруней терма жамоалари учрашувини бошқариб ўзбекистонлик ҳакамлар зиммасига юклатилди. Хиндистонлик футболчилар 5:0 ҳисобида ғолиб чиққан ушбу учрашувда Нил Лутфулин бок ҳакамлик қилган бўлса, унга Рафзал Илвосо, Александр Попов ва Рашид Айтеновлар ёрдам беришди.

Хабарингиз борми? Роберт Гай номи футбол ишқибозларига яқши таниш. Бир пайтлар Фарғона, Жиззах, Андижон вилоятлари жамоаларида, кейинчалик Россиянинг «Уралец», «Челябинск» клубларида тўп сурган, ҳатто 1996 йилда Бангладешнинг «Махаммад» жамоаси чемпионлигига сазовор бўлган 38 ёшли футболчи Роберт Гай айни кунларда жароҳати туфайли «катта» футбол билан ҳайралиш мурабийлик фаолиятини бошлади. Эндликда у «Чилонзор» футбол клубида катта мурабий вазифасида ишламоқда. Ажабмас, янги мурабий свай-ҳаракатлари билан бир пайтлар довуғ қозонган пойтахтимизнинг «Чилонзор» жамоаси кучли ўйинларию, чиройли галабалари билан ишқибозлар кўнглини шод этса.

Қўринмай қолган «юлдуз»лар Ўзбек футболда 90-йилларда ўзига хос комбинацион ва бетакор ўйинлари билан футбол ишқибозлари қалбини забт этган собиқ пахтакорчи Андрей Патяцкийнинг ҳозирги кундаги тақдир хаммани қизиқтириши табиий. Маълумки, Андрей 1992 йилдан Москванинг «Спартак» жамоасида тўп суриб, анчагина муваффақиятлари қўлга киритган, ҳатто россиялик футбол мутасаддилари эътиборини қозонганди. Шуниси қизиқки, у Россия фукаролигини ҳам қабул қилган, кам бўлсада терма жамоа таркибидо

ўйнаганиди. Аммо Патяцкийнинг пешма-пеш билан жароҳатлари хамда «Спартак» таркибидо яна бир маҳоратли юртдошимиз Валерий Кечиновнинг пайдо бўлиши Андрейнинг юлдузлик онлари сўнавтганидан дарак беради. Чунки у энди «Спартак» таркибидо кам ўйнар, асосан захира ўринидиган жой олганди. Кейинчалик бу футболчининг Россия чемпионатининг иккинчи лигасида ўйнаётгани ҳақида гап тарқалди. Аммо яна бир «юлдуз» футболчи Валерий Кечинов бу борода Патяцкийдан кўра омадлор қочиб қолди. Нега деганда эндигина 27 ёшли қоралган собиқ пахтакорчи Кечинов «Спартак» захирасида ўтиргандан кўра олий лигадаги оддиорқ «Сатурн» жамоасига ўтиб, айни кунларда чемпионат тўпурарлари сафидо бормоқда.

Жанговар дуранг Ўтган куни футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финал мусобақаларининг дастлабки учрашувлари ўтказилди. Қаршида «Насаф» жамоаси Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари билан куч синашди. Очғини айтганда бу икки жамоа ўртасидаги беллашув хох чемпионат ўйини бўлсин, хох кубок учрашуви бўлсин доимо муросасида ва қизиқари кечган. Биринчи бўлимининг 17-дақиқасидаёқ Анвар Солиев ракиблари дарвозасига гол киритиб, пахтакорчиларни олдинга олиб чиққанди. Аммо иккинчи бўлимда меҳмонлар дарвозасига бир неча бор шиддатли ҳужумлар уюштирган меҳмонлар аввал 67-дақиқада Бахтиёр Камбаралиев, сўнгра 75-дақиқада Зафар Холмуродов пахтакорчилар дарвозабонини доғда қолдириб чиройли голлар йўллашди. Учрашув айнаш ш ҳисобда тугайдигандек эди. Бирок меҳмонлар фахрий ҳужумчиси Игорь Шквинининг маҳорати пахтакорчиларни мағлубиятдан сақлаб қолди. Ҳисоб 2:2 дуранг натижа билан аяқланди.

«Бухоро» жамоаси билан Фарғонада беллашган «Нефтчи» футболчилари эса 3:0 ҳисобидо ғалаба қозониб, деярли финалга йўланма. Нақд қилиб қўйишиди. Тўпурларни дарвозага Анвар Бердиев 2 марта ва Валентин Поддубнийлар киритишди.

Кубок мусобақаси ярим финалининг жавоб учрашувлари 16 июнда бўлиб ўтади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

Жамбил — юракка даво деб бил...

Жамбил — лабгуллошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликдур. Зиравор, ошқуқ ва манзарали ўсимлик сифатида ўлкамизнинг барча туманларида экинлаштирилган ҳолда ўстирилади.

моқли ичак, тасмали гижжаларни ҳайдашда фойда берувчи доридо бўлиб, синалган халқ дастурларидан бери ҳисобланади. Бунинг учун 10 грамм қуригилган жамбил ўтидан олиниб, 200 грамм қайноқ сув билан ярим соат дамлаб қўйилади. Сўнгра дамлама сузилиб, шарбатидан кунига ош қошиқдан 4-5 маҳал ичилади. Дамламаси ичбурчудо, қорин дамланишида, юрак халриқини, пешов ва ёл хайдовчи восита таркибидо қўлланилади.

У ўзининг шифобахш хусусиятлари билан илмий тиббиётда ҳам қўлланиб қадрланади. Саноат муқдасидо ишлаб чиқарилувчи «пертусин» деган дори шунга яққол мисол бўла олади. Пертусинни хамма билса керак. Бу дори аиникса, ёш болалар сўйиб ичишда, Бу дори шамоллаганда йўтал қолдирувчи янши воситалардан. Жамбилдан олинанидан қийм эфир мойи, тимол антисептик, янши дезинфекцияловчи дори ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак, жамбил саноатда сабзавотларни, гўшт, балик консервалари, колбасалар тайёрлашда ишлатилади. Шунингдек, атирупа саноатида ҳам аҳамиятга моликдур.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доринунос.

● Тошкент шаҳар электр тармоқлари қорхонаси томонидан Алишер Аҳмадалиевич Воҳидов номига 1999 йил 15 апрелда берилган 301-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бош муҳаррир Ақмак АҚРОМОВ Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълолар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09. ДУШАНБА, ЧОРШАНБА ВА ЖУМА КҮНЛАРИ ЧИҚАДИ. Наир кўрсаткичи — 209

Нашри этказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мўмкин.

Газета «Тошкент» Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатта олинган